

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 8 октябрь пайшанба

Сотувда эркин нархда № 199 (1980)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР

Вазирлар Маҳкамасида қорхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, комиссия раиси Ҳ. Султонов бошқарди.

Мажлисида вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, умумий ва банклар раҳбарлари иштирок этди. Республика қорхоналарининг шу йилнинг 9 ойидаги молиявий фаолияти натижалари қўриб чиқилди, банкротлик белгилари мавжуд бўлган қорхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш йўллари таҳлил этилди. Шу йилнинг туртинчи чорагида банкрот деб эълон қилинадиган қорхоналарнинг рўйхати батафсил муҳоама қилинди.

Қорхоналарнинг иқтисодий нозорати бўйича қўриқ қўриқлари Д.Умаров қўриб чиқилган даврада санаот ва қишлоқ ҳўжалиқ қорхоналари санациясига доир ишларнинг аҳволи тўғрисида ахборот берди. Мажлис иштирокчилари санаот тармоқлари раҳбарларининг санациянинг бориши, банкротларни тугатишга доир иш-

лар ва тармоққа қарашли нозор, зарар келтирувчи қорхоналарнинг ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириш ҳамда қайтадан тузиш тўғрисидаги ҳисоботларини ҳам тингладилар. Қорхоналарни банкрот деб эълон қилиш тартиби яхши ишлаб чиқилган бўлса ҳам, уларни тугатиш йўллари, шунингдек, кредиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш механизмлари унча пухта эмаслиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Бунинг сабабларидан бири айнакча жойлардаги тугатиш комиссиялари ўз ишлари яхши билмаслиги ва уларнинг ваколатлари етарли эмаслиги, шунингдек, уюшмалар ва корпорациялар раҳбарлари зарар келтираётган қорхоналарни қайта тугатиш ҳамда тўлов қобилиятини йўқотган қорхоналарнинг ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириш, қайта ташкил этиш ва тугатиш дастурини бажариш юзасидан етарли иш қилмаётганидир.



МАШИНА ТЕРИМИ — ИШНИНГ УНУМИ



Республикамиз пахтакорлари йиққан хирмон 2 миллион тоннадан ошди. Бунда Самарқанд вилояти деҳқонларининг ҳам улкан ҳиссаси бор. Вилоятдаги «Агромашсервис» ҳиссалорлик жамияти 100 та 2-4 қаторли ҳамда 6 та «Кейс» пахта териш машиналарини далага олиб чиқди. Айни кунларда Пахтачи, Нарпай, Каттакўрғон, Пайариқ, Челек туманларида терим агрегатларининг унуми яхши бўлмоқда. Айниқса, мавсумда 400-500 тонна пахта териш оладиган «Кейс» машиналарига кенг майдон ажратилмоқда.

Илгирликни қўлдан бермай келаётган Челек туманидаги «Қорақалпоғистон» жамоа ҳўжалиги пахтакорлари биринчи теримдаёқ шартномавий режани бажаришди. Мазкур жамоа ҳўжалиги пахта ҳўселини жадал йиғиштириб олишида терим агрегатларидан унумли фойдаланмоқда. Механизаторлардан Ботир Ешўзоқов ва Абдурахим Абдурахмонов ҳар беш кунда 24-30 тоннадан пахта теришмоқда. Айни пайтда ҳўжалик далаларида ҳўсил мўл, терим қизгин давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: ҳўжалик раҳбари Олим Халилов ва бош ҳўслот Ойбек Суяндиқов; илгир теримчилар Мухаббат Жонузоқова ва Соҳиба Раҳмонова.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Россия Федерацияси Президенти Б.Н.Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таълиғига биноан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 1998 йил 11-12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келади.

«XXI АСР БЎСАҒАСИДАГИ АЁЛ»

Кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидан ана шу мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғўломова сўзга чиқиб, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси, аёл ва экология, мустақим оила қуришида аёлнинг ўрни каби долзарб масалалар ҳақида тўхталиб, Хўш, бу борадаги Президент фармони ва ҳукумат қарорлари қай даражада амалга оширилмоқда, XXI аср бўсағасидаги аёлнинг вазифалари нималардан иборат ва улар қандай бўлиши керак? Анжуман давомида ана шу мавзуларда қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

Дарғонада биринчи академик лицей фаолият кўрсата бошлади. Фарғона давлат университети базисда ташкил этилган янги билим масканида мамлакатимиз халқ ҳўжалиги учун зарур кадрлар тайёрланади. Унда иқтисодий ёшлар физика, математика, химия, биология, тарих-география, ўзбек ва хорижий фи-

лология фанлари йўналиши бўйича уч йил давомида пухта билим оладилар. Бунинг учун лицейда барча зарур шартроит яратилган. Академик лицей тақдимот маросимида вилоят ҳўкимини Н. Муминов қатнашди.

Расулжон КАМОЛОВ, ЎЗА мухбири.



Маънавият

ИЗЗАТ ТОЖИ

Имом ал-Бухорий масжид мажмуи қурилишида бир кун

— Левадги зиёратгоҳдан муҳаддислар сарвари қабри ва чинорларгина қолади, ҳоло, маҳобатли масжид мажмуи эса етти ой ичида қад ростлади, — дейди меъморий лойиҳа муаллифи Абдуқаҳҳор Турдиев.

1. «ИМОМ БУХОРИЙГА ТЕНГ БЎЛАР КИМ БОР?» Шундай нақл бор: Баҳодуддин Нақшбанд ҳазратларининг қафтлари доимо шилинган бўлар экан. Бунинг сабабини сўрашга ҳеч кимнинг ҳадди сизмас, ҳазратнинг ўзи эса бу ҳақда бировга бир сўз айтмас экан. Кейин шу ҳол ойдинлашибдики, ҳар кеча ҳамқишлоқлари уйкуга кетгач, юқуниб келувчилар учун қийинчилик туғилмасин деб ҳазрат йўл ёқасидаги ўт-ўлан ва янтоқларни юлиб чиқар экан...

Ҳа, шундай бўлган. Ахир, ҳазратнинг 1200 йиллиги ҳам нишонланган эди-ку! Сиз шу ҳақда бирон-бир хабар эшитганимиз? Умар, бундан йи-

гирма беш йил муқаддам Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳақида нима билар эдингиз?!

Бугун Оқдарё бўйларидан бош миноранинг мовий ранг гўмбазини кўриб нурларида товланиб кўзга ташланади.

— У шу қадар маҳобатлими? — деб сўрадик.

— Ўн етти ярим метр, — дейди шоир Душан Файзий, кейин лутф этади: — Имом Бухорийга тенг бўлар ким бор? Унинг чакмонига енг бўлар ким бор?!

Йўл равои, машина унда сувдай оқади.

— Ҳазратнинг маърақаси муносабати билан бу йўл янада кенгайтирилди, — дейди вилоят ҳўкимини ўринбосари Холмухаммад Нуриллаев. — Нафқат Имом ал-Бухорий масжид мажмуи қайтадан барпо этилди, балки Маҳдуми Аъзам макбара мажмуи ҳам тўлиқ таъмирланди.

(Давоми 3-бетда).

КУЗНИНГ ҲАР БИР КУНИ ФАНИМАТ

Нукусда пахта йиғим-териши ва шолни ўрнини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳўқумлари, тегишли вазирлик, таъкилот ва ҳўкук-тартибот идоралари раҳбарлари катнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков сўзга чиқди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқ» ҳўжалиқтасининг тугатиш қўмитаси, республика прокуратураси мутасадди ходимларининг пахта йиғим-териши ва шолни ўрним-йиғими қандай бораётгани тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар бу борада муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлаш билан

ний-маиший шароит яратилмаган. Шолни ўрнимда мавжуд комбайнлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Чимбой, Қонликўл ва Тахтақўпир туманлари ҳўжалиқларида ҳар гектар ердан атиги 18-23 центнердан шолни янғил олинмоқда.

Йиғилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиб, пахта ҳамда шолни ҳўселини ёғин-сончилик кунларга қолдирмай қисқа фўредада йиғиштириб олиш, бунинг учун мавжуд барча имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маҳалатчиси Темир Алимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кеңгеси Раиси Темир Камолов қатнашди.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎЗА мухбири.

ЭКСПОРТ УЧУН МАҲСУЛОТ

Чирчиқдаги «Асил-Осиё» асбобсозлик илмий-техника маркази «Химавтоматика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда тайёрлаётган агро-муҳит йиғиланиши даражасини ўлчовчи асбобларнинг дастлабки туркуми Ҳиндистонга жўнатилди. Автомобиль транспорти қаракати вақтида чиқадиган зарарли газ таркибини ҳам аниқлаш имконини берадиган мазкур нобё техникага бошқа мамлакатлардан ҳам буюртмалар келмоқда.

Н. ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири



«Халқ сўзи» халқиники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланади бунда. Ҳар қандай тўқималардан холи, мавҳум ва сароб фикрлардан холис суҳбатдош истасангиз, юртимизнинг келажаги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва улғайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз,

«ОБУНА-99»

ЯҚИН СУҲБАТДОШ

Ҳамма буюк ишлар, улкан қурилишлар, яратувчанлик, ризққа тўла далаларимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиши, албатта, Сиз овоз замондошимиз тўғрисида. Шу боис мамлакатимизнинг энг яқин намуналаридан «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Янги Сизнинг манфаатларингиз, ўй-орзуларингиз олиб чиқилади.

«Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлиб. Элимиз дастурхонининг тўқиллиги, Ватанимиз камолоти учун тиниб-тинчимаётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади. Азизлар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йили

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

“Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.
2. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.
3. Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот, Иқтисодий ислохотлар ва талбиркорликни ривожлантириш ҳамда Санаот, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмиталари тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирсин ҳамда «Реклама тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини маромига етказиб, Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **З. ХАЛИЛОВ.**
Тошкент шаҳри,
1998 йил 29 август.

(Ушбу Қонун лойиҳаси газетанинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда).

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Руминия парламенти ташки сўйсет комиссияси раиси Георгий Присакару раҳбарлигидаги делегация аъзолари Олий Мажлисга ташриф бурди.

Учрашувда Ўзбекистон парламенти раиси Эркин Халилов меҳмонларни мамлакатимизда олиб бориладиган кенг қўламадаги иқтисодий-сиёсий ислохотлар, хўсуан, қўнунчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Шунингдек, мазкур ташриф Руминия парламенти билан Ўзбекистон парламенти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада ривожланишига хизмат қилаётганига умид билдирилди.

Георгий Присакару парламентларо алоқалар ривожлантириш ўртасидаги муносабатлар раванқида ҳам хизмат қилишни таъкидлади. Учрашувда Ўзбекистон билан Руминия ўртасида парламентларо алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Словакия Республикаси Конституциявий суди раиси, академик Милан Чич раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон Конституциявий суди раиси Б. Эшонов меҳмонларга мамлакатимизда қўнунчилик борасида амалга оширилаётган ислохотлар, хўсуан, жорий этилаётган янги қўнунлар ҳамда бу борада хорижий мамлакатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик тўғрисида сўзлаб берди.

Милан Чич юртимизда қўнунчилик соҳасида юз бераётган янгиланишларга юқори баҳо берди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кен-

гайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Словакиялик меҳмонлар Олий Мажлисга ҳам ташриф бурди. Бу ерда улар Олий Мажлисининг инсон ҳўқуқлари бўйича вакили Саёра Рашидова билан учрашди.

Учрашувда инсон ҳўқуқларини таъминлаш борисида ҳар икки мамлакатда амалга оширилаётган ишлар хўсуида сўз борди.

(ЎЗА)

ИНСОН ҲЎҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Олий Мажлисда суд ва ҳўқуқни муҳофаза этиувчи органлар билан Ўзбекистон Омбудсманининг инсон ҳўқуқларини ҳўмоа қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Омбудсманнинг суд ва ҳўқуқни ҳўмоа қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш концепцияси, асосий йўналишлари ва шакллари ҳақида Олий Мажлисининг инсон ҳўқуқлари бўйича вакили Саёра Рашидова сўзга чиқди. У инсон ҳўқуқларини таъминлаш соҳасида барча давлат ва жамоат тузилмалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, мустақам алоқа ўрнатиш зарурлиги ҳақида тўхтади. Ўзбекистон Омбудсманини ўз ишлари барча органларда ўзаро ишонч ва бир-бирини тушуниш асосида ташкил этишга интилади ҳамда инсон ҳўқуқлари ҳақидаги қўнунчиликка ривож этилиши устидан парламент назорати уриятиш функциясининг бажарилишида суд ва ҳўқуқни муҳо-

фаза қилиш органларининг ҳамкорлигига сўнади. Семинар қатнашчилари БМТ ривожланиш Дастури эксперти Д. Готтерер маърузаси орқали чет эл Омбудсман фаолияти билан ҳам танишилди. Семинарда, шунингдек, суд ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, ҳўқуқшунос олимлар сўзга чиқиб, Омбудсман кўтарган муаммоларнинг долзарблиги, аҳамиятига таъкидлашди, уларнинг таъкифларини киритилди.

Семинарда Омбудсманнинг суд ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш асосий принципларини ишлаб чиқиш ва таъкидлаш бўйича тавсиялар аке этирилган резолюция қабул қилинди.

Якка обуначилар учун — 166.
Ташкилотлар учун — 167.

ОГАҲИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 190 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН БУЮК ЭЪЗОЗ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг улуғ шoir, таржмон, тарихшинос ва давлат арбоби Муҳаммадризо Эр-ниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори адабий-маданий қадриятларимизни тиклаш, улардан демократик жамият маънавиятини юксаттиришда фойдаланиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Қарорда алломанинг адабий-илмий меросини тадқиқ ва ташвиқ қилиш, танланган асарларини, ижодига бағишланган тўпламларни чоп этиш, илмий анжуманлар ўтказиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳақиқатан ҳам Огаҳий ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида нуфуз ва ўринга эга бўлган кўп қиррали ижод соҳибини, зулфисонайн шoirларини, Унинг қаламига мансуб шеърини таржима ва тарихий асарлар XIX аср бадий ва илмий тафаккури ривожига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди, адабиётнинг кейинги давр тақомилига баракали таъсир кўрсатди.

Огаҳийнинг ўзбек ва форс тилларида яратилиб, лирик меросини ўз ичига олган «Таваллуз ошиқин» (Ошиқлар тумори) девони 22 жанрга оид шеърлардан иборат. Мазмунан ва бадий жиҳатдан мукаммал ушбу шеърларда шoir буюк инсонпарвар сифатида ҳамма нарсадан «шарифроқ бўлган ҳаёт гули» — Инсонни (Навоий), унинг ботиний ва зоҳирий дунёсини куйлади, алолат ва садоқатни улуғлади. У бажарган таржимонлик иши эса катта жасорат бўлиб, турли характер ва услубдаги асарлар таржимасини адабиётимиз тарихида ҳеч бир адиб-таржимон бунчалик кўламдор тарзда амалга ошира олган эмас. Эркин ва аниқ таржима усулларидан фойдаланиб, 19 та асарини, жумладан тўққизта бадий, ол-

сий мезон бўлмоғи керак. Огаҳийнинг адабиёт тарихида буюк ижодкор эканлиги фанда эътироф этилган ҳақиқатдир. Шoir асарларини ҳар томонлама чуқур ва теран ўрганган сари бу ҳақиқат янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Университетимиз ва Маъмун академиясининг илмий ходимлари ҳам илмий-тадқиқот доирасини кенгайтиришга киришилди. Бунда асосий эътибор, аввало, ижодкор асарлари кўлэмлари ва уларга алоқдор бирламчи манбаларни тўплаш, тадқиқ қилиш ҳамда нашр этишга қаратилмоқда. Шу мақсадда шoir ижодий меросини ўрганувчи илмий гуруҳ тuzилди ва унга малакали, етакчи филолог, тарихчи ҳамда матншунос олимлар жалб этилди. Ҳозирги вақтда Тошкент ва бошқа илмий марказларда сақланган асарларнинг нусхалари устида ишлаш, шoir ҳақидаги халқ озаки ижоди намуналарини тўплаш, «Фирдавс-ул-икбoл» ва «Шоҳиди икбoл» тарихий асарларини тадқиқ этиш давом этмоқда.

Келгуси йили Огаҳий таваллудига 190 йил тўлади. Бу кутлуг санани Хоразм илмий жамоатчилиги муносиб нишонлаш, шoir ижодига бағишлаб конференциялар, ҳар йили декабрь ойида анъанавий «Огаҳий кунлари»ни ўтказиш, илмий мақолалар тўпламлари чоп қилиш тадбирларини кўрмоқда.

Хушнуд БОБОЖОНОВ, Урганч давлат университети проректори, профессор. Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ, ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР БОҒИ

Оила йили муносабати билан Қашқадарёнинг Баҳористонида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Туман маркази - Помуқ қишлоғидаги янтоқ ва шўразордан иборат 10 гектар майдон ўзлаштирилиб, 20.000 тул дарахт кўчатлари ўтказилди. Ана шу янги маскан оналар ва болалар истироҳат боғи деб аталадиган бўлди. Эндиликда байрамлар, тўйлар, турли хил тадбирлар ушбу боғда ўтказилади.

1999 йилги Наврўз байрамини янги масканда ўтказамиз, - дейди туман ҳокими Ҳайит Тожиёв. - Ободончиликни давом эттирамиз, яна 600 ўринли шарқона чойхона ҳам курамиз. Ж. ЯХШИБОВ.



Ҳамза номидagi ўзбек давлат академик драма театрида «Эге намунали оила» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу тадбирга кўрик-танловнинг дастлабки босқичида ғолиб бўлган оила аъзолари қатнашди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ўн тўртта ғолиб оила ўзаро мусобақалашди. Улар танлов шартлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди. Кўрик-танловнинг бош савриниغا Хоразм вилояти, Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ниёзмет Худойбергенов оиласи сазовор бўлди.

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА



СУРАТЛАРДА: энг намунали оила ховонидида. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЖАРРОҲЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Америкалик жарроҳлар гуруҳи ўн кун мобайнида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академиги В. Воҳидов номидagi жарроҳлик Маркази ходимлари билан ҳамкорликда ўн бешта мураккаб операция ўтказди.

Юрак ва қон томирлари жарроҳлиги бўйича етакчи Америка мутахассисларининг Тошкентга келиши бежиз эмас. В. Воҳидов номидagi Марказ Марказий Осиёда бу соҳадаги йирик даволаш ва илмий-тадқиқот маскани ҳисобланади. Бу ерда ноёб операциялар ўтказилишига қўлмай, юрак-қон томирлари тизими, нафас йўллари ҳамда қорин бўшлиғи органлари касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг энг янги технологиялари ишлаб чиқилиб, ўзлаштирилди. Марказ жаҳонда катта эътибор қозонган. Сўнгги йилларда Марказда кўпгина мамлакатлардаги машҳур олим ва амалиётчи шифокорлар иштирокида 60 дан ортиқ конференция ўтказилгани бунинг исботидир. Хорижий мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Швейцария, Франция, Германия, Испания ва бошқа мамлакатлар жарроҳлари билан мустақам алоқа ўрнатилган. Ўзбекистонлик шифокор ва мутахассисларнинг хорижга ана шундай сафарлари ҳам йўлга қўйилган. Энг сўнгги мисол — америкалик шифокорлар таш-

рифилири. Шифокорлар гуруҳига Колорадо штатидаги Денвер шаҳри университети клиникаси профессори Д.Эллиот бошчилик қилмоқда. Бу клиника коронар артериялар жарроҳлиги соҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланади. Д.Эллиот В.Воҳидов номидagi Марказда ўзбекистонлик кардио-жарроҳлар билан ҳамкорликда бир қанча мураккаб операция ўтказди. Бу гал қўлланилган технологиянинг ноёблиғи шундаки, операция уриб турган юракда ўтказилди! Жаҳоннинг энг машҳур клиникаларида кейинги икки йилда қўлланила бошланган бу усул энди Ўзбекистонда ҳам қўлланилмоқда. Илгари Марказда бундай операциялар сўнгги қон айланиши шароитида тўхтатиб қўйилган юракда ўтказилар эди. Янги тиббий технология операция ўтказиш вақтини қисқартиради, операция асоратларини кескин камайтиради, беморнинг тезда тузалиб кетишига имкон беради. Ўзбекистонлик ва америкалик шифокорларнинг ҳамкорлигидаги иши мобайнида бошқа янги мураккаб усуллар ҳам ўзлаштирилди. Бунга Марказ энг замонавий аппаратура билан жиҳозланганидан ташқари, АҚШлик жарроҳларнинг эътироф этишича, тошкентлик жарроҳларнинг энг юксак даражадаги мутахассис экани тўғрисида ҳам эришилди. Америкалик шифокорларнинг тошкентлик ҳамкасблари ҳақидаги бу фикри ягона эмас. Марказ жарроҳлари жуда кўп ҳамкорлик пайтида, шунингдек, ўзларнинг етакчи хорижий клиникаларга қилган сафарлари пайтида ҳам ана шундай баҳо олган. А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various countries: Австралия доллари, Австралия шиллинги, Англия фунт стерлинги, Бельгия франки, Голландия гульдени, Греция драхмаси, Дания кронаси, БАА дирхами, АҚШ доллари, Миср фунти, Ирландия фунти, Испания кронаси, Испания песети, Италия лираси, Канада доллари, Хитой юани, Кувейт динори, Ливан фунти, Малайзия рингити, Германия маркаси, Норвегия кронаси, Поляша злотийси, Португалия эскудоси, Сингапур доллари, СДР, Туркия лираси, Финляндия маркаси, Франция франки, Швеция кронаси, Швейцария франки, ЭКЮ, Жанубий Корея вони, Япония иенаси, Россия рубли, Украина гривнаси, Беларусь рубли, Литва лити, Молдова лейи, Қирғизистон соми.

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

КАРАТЭ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ ЧИҚСА АЖАБМАС

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт марказида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида йирик халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Россия вакиллари қатнашди. Яққа тартибдаги бахсларда 30 нафар ўн каратэчи ғолиб деб топилди. Умуманом ҳисобида эса жами 71 очко тўплаган Тошкент шаҳрининг «Каратэ» клуби ўсмирлари биринчи ўринни эгаллашди. Пойтахтимиз «Олимпия», «Кодакан» клуби аъзолари эса 44 ва 29 очко тўплаган ҳолда иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди. Туртинчи ўрин самарқандликларга насиб этди.

Фурсатдан фойдаланиб Каттақўрғон каратэ федерацияси президенти Хамроқул Худойбердиев билан суҳбатлашдик.

таулдиналарга ўзимга ишонгандек ишонаман. Ушбу мусобақада улар совринли ўринларни эгаллади. Бизда каратэ асосан 2-ўрта мактабда ҳамда 25-хунар лицейида ўргатилади. Мураббийларимиз шу тўлақончилар билан ҳамшира жиддий иш олиб боришади. Айни замонда юздан ортиқ йигит ва қизлар ихтиёрий машқ қилишмоқда. Самарқанд вилояти кубоғи, янги йил кубоғи, Ўзбекистон чемпионати бахсларида яхши натижаларга эришдик. — Маълумки, спорт мусобақаларини ташкиллаштириш, сафарларга бориш, керакли анжуманларни олиш учун кўп миқдорда пул керак. Бу борда сизларда қандай намунали тадбирлар йўлга қўйилган? — Бизга асосан Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов катта ёрдам беришди. Шунингдек, туман ҳокимияти ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Ҳоким, Муҳтор Ерқуловнинг спортга қизиқшини мен алоҳида айтиб ўтишни истар эдим. Яқинда у киши туманимиздаги мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш учун икки миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Биз спортчилар бундай муносабат ва эътибордан хурсандимиз. Шу боис ҳар қандай мусобақада яхши қатнашиш аёл мақсадимиздир.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди. Суратни ЎЗА мухбири А. РИСКИБЕВ олган.



Наманган шаҳридаги Дамбоғ маҳалласига барча ҳаваас қилди. Бунга сабаб шунки, маҳалла аҳли аҳил, ҳар бир юмушини баҳамжиҳат амалга оширади. Маҳалла гузарига мавжуд 8 мингдан зиёд аҳоли учун барча қўлайликлар яратилган. Оналар ва болалар амбулаторияси, 20 ўринли кундузги даволаш шифохонаси ишлаб турибди. Чойхона, тикувчилик пехи, сартарошхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматиди. Суратда: шифохона ҳамшираси Муҳсамадон Холмирова.

ЙЎЛДАГИ ХОДИСА

1998 йил 3 октябрь кўни Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 37-автобус паркига қарашли автобус шахрихонлик ва осақалик 28 нафар йўловчилар билан Қирғизистон Республикаси, Ўш вилояти, Навоёт туманидаги «Аравон-Навоёт» йўлининг 17 километрида «Дўнг» довонидан ўтаётганда янгли йўл ходисоси юз берди. Оқибатда бир гуруҳ йўловчи, жумладан ҳайдовчи ҳам ҳалок бўлди. Турли даражадаги жароҳатлар билан касалхонага ётқизилганлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот марказидан олинган хабарда айтилишича, бахтсиз ходиса сабабларини аниқлаш, жабрланганларга ва уларнинг яқинларига ёрдам кўрсатиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар ташкил этилган. (ЎЗА)

«НАВОИЙ ДОНМАҲСУЛОТ»

Ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси бошқаруви 1998 йил 19 октябрь кўни соат 10.00 да акционерларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

- 1. 1998 йилнинг биринчи ярми молиявий кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси раисининг маърузаси ва дивидендларни тўлаш тартиби тўғрисида.
2. Акционерлар умумий йиғилиши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.
3. Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
4. Уюшма ижроия органи ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.
5. Уюшма раҳбарини ишга қабул қилиш бўйича шартномани тасдиқлаш.
6. Уюшма Низомига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.
7. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Бошқа масалалар.

Йиғилиш бош корхона ҳудудида ўтказилади. Акционерлар ўзлари билан паспорт ёки гувоҳнома олиб келишлари лозим. КУЗАТУВ КЕНГАШИ. Тел. 223-22-10.

ОЧИҚ ТУРДАГИ «КУКЧА» ХИССАДОРЛИК ЖАМИАТИ. КУЗАТУВ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИНИ ҚАЙТА КўРИБ ЧИҚИШ БўЙИЧА УМУМИЙ МАЖЛИСИНИ 12 ОКТАБРЬ СОАТ 10.00 ДА ЎТКАЗАДИ. Манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ҳайдар кўча, Саҳибов ўтар кўчаси, 22-уй.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОМОВ. Тахрир хайъати: М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Р. САФАРДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-саноий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибиёт — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 0413, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қорғоз бичими А—2. Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамият ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ. Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА. Мухассия — Ф. УСМОМОВ. • МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тахрирда ҳажми 5 қорғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 топирилади — 22.00 1 2 3 4 5 6